

Жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят суди
апелляция судлов хайъатининг
А Ж Р И М И

2020 йил октябрь ойининг 14 куни жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят судининг апелляция инстанцияси видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланган ҳолда, очик суд мажлисида, раислик этувчи С.Тоганов, хайъат судьялари М.Махмудов ва М.Самандаровдан иборат таркибда, Т.Юлдашеванинг котибалигида, тарафлардан, Хоразм вилоят прокуратурасининг бўлим катта прокурори У.Қурязов, жабрланувчининг қонуний вакили [REDACTED], судланган [REDACTED], унинг ҳимоячиси, адвокат З.Юсуповлар иштирокида, жиноят ишлари бўйича Кегейли туман судининг 2019 йил 29 январдаги ҳукмига кўра судланган

[REDACTED], 1962 йил 6 декабрь куни Қорақалпоғистон Республикаси, Кегейли туманида туғилган, миллати қозок, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 4 нафар фарзанди бор, илгари [REDACTED] фермер хўжалиги раҳбари бўлиб ишлаган, ҳозирда шу фермер хўжалигида ишчи бўлиб ишлайди, муқаддам судланмаган, Кегейли тумани, “Жанабазар” АПЖ, Қарашоқыр кўчаси, 42-уйда яшаб келган, айблов хулосаси ва ҳукм нусхасини олганга

нисбатан чиқарилган ҳукм устидан судланган А.Мамбетияров томонидан апелляция тартибида келтирилган шикоятини жиноят иши материаллари билан биргаликда кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Кегейли туман судининг 2019 йил 29 январдаги ҳукмига кўра, [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 257-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбли деб топилиб, 1 йил муддатга фермер хўжалигини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда 2 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича суди апелляция инстанциясининг 2019 йил 4 апрелдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов хайъатининг 2020 йил 3 июлдаги ажрими билан Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича суди апелляция инстанциясининг

2019 йил 4 апрелдаги ажрими бекор қилиниб, жиноят иши янгидан апелляция инстанцияси судида кўриш учун юборилган.

Суднинг ҳукмига кўра, [REDACTED] фермер хўжалиги раиси вазифасида ишлаб келиб, Кегейли туманидаги фаолияти тўхтаб турган “Руфат Утебаев” фермер хўжалигининг ишчиси Б.Омирзаков билан оғзаки келишув асосида меҳнат шартномаси тузмасдан ишга қабул қилиб, белгиланган тартибда, яъни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 1996 йил 14 августдаги 272-сонли Қўлланманинг 2-бўлими, 1-параграфи, 9-бандидаги 9.1, 9.2, 9.5, 10.3 ва 11-талабларига амал қилмасдан, 2018 йил 16 сентябрь куни соат 16:00 ларда Кегейли тумани, “Жанабазар” МФЙ, “Дауранбек Нурнияз” фермер хўжалиги экин майдонида Кегейли тумани, “Кегейли МТП” ЖШХ тегишли бўлган 95 ДА 077 давлат белгили МТЗ-80 русумли тракторга темир молани тақиб олдиға қараб юриб бораётган вақтда, шу ерда юрган Б.Омирзаков темир моланинг остида қолиб кетиб, олган тан жароҳати оқибатида вафот этган.

Суднинг ҳукмидан норози бўлиб, судланган [REDACTED] апелляция тартибида келтирган шикоятда, ўзи асоссиз судланганлиги, айби йўқлиги ҳақида важлар келтириб, суд ҳукмини бекор қилиб, адолатли қарор қабул қилишни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил 3 июлдаги ажримида судланган [REDACTED] томонидан келтирилган важлар тўлиқ текширилмагани, хусусан [REDACTED] жабрланувчи Б.Омирзаков фермер хўжалигининг ишчиси бўлмаса-да, унга техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш масаласида инструктаж ўташи шарт ёки шарт эмаслиги масаласида соҳа мутахассисларининг хулосаси олинмагани, ҳолат бўйича тегишли гувоҳлар сўроқ қилилмагани, А.Утегеновнинг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги билан [REDACTED] меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузганлиги ҳолати ўртасида боғлиқлик жиҳатлари етарли даражада ўрганилмагани қайд этилган.

Апелляция судлов ҳайъати иш юзасидан раислик этувчи С.Тогановнинг маърузасини, прокурор У.Қурязовнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги, судланган [REDACTED] ва унинг адвокати З.Юсуповнинг шикоятни қаноатлантириш ҳақидаги музокарасини тинглаб, жиноят иши материалларини шикоятда келтирилган важлар билан биргаликда муҳокама қилиб, қуйидагиларга кўра суд ҳукмини ўзгартиришни лозим топди.

Судланган [REDACTED] айби шу иш бўйича жабрланувчининг қонуний вакили [REDACTED], мутахассислар Б.Нурумбетов, О.Ўринбоев, гувоҳлар А.Утегенов, Б.Мырзамбетов, П.Мырзамбетов, А.Ҳакимовнинг кўрсатувлари, воқеа жойини кўздан кечир баённомаси, суд-медэкспертиза хулосалари, иш бўйича расмийлаштирилган далолатномалар ҳамда жиноят ишида мавжуд бошқа далиллар йиғиндиси билан исботланган.

Апелляция судлов ҳайъати биринчи босқич суди томонидан судланган [REDACTED] жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг

257-моддаси 2-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Апелляция судлов ҳайъати судланган [REDACTED] шикоятда келтирилган вазияти билан келишиб бўлмайди деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 257-моддаси диспозицияси мазмунига кўра, техника хавфсизлиги, саноат санитарияси ёки меҳнатни муҳофаза қилишнинг бошқа қоидаларини шу қоидаларга риоя этилиши учун масъул бўлган шахс томонидан бузилиши ўртача оғир ёки оғир тан жароҳати етказилишига сабаб бўлса, юқоридаги модданинг биринчи қисми билан, ўша қилмиш одам ўлишига сабаб бўлса, мазкур модданинг иккинчи қисми “а” банди билан жавобгарликка тортилиши белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 82-моддасига асосан ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан ёки унинг ижозати билан ходимга ҳақиқатда ишлашга рухсат этилган бўлса, ишга қабул қилиш тегишли равишда расмийлаштирилган ёки расмийлаштирилмаганидан қатъи назар, иш бошланган кундан эътиборан меҳнат шартномаси тузилган деб ҳисобланиши кўрсатилган.

Жиноят иши материалларига кўра, [REDACTED] фермер хўжалиги раҳбари [REDACTED] 2018 йил 16 сентябрь куни таниши Б.Омирзаков билан ўзи раҳбарлик қилиб келаётган фермер хўжалиги экин майдонидаги ишларни ҳақ эвазига бажариш ҳақида ўзаро келишиб, Б.Омирзаковни фермер хўжалиги экин майдони ҳудудига олиб борган, тушлик пайти Б.Омирзаков спиртли ичимлик истеъмол қилган бўлишига қарамасдан уни ишга чиқишини чекламасдан, ўша куни тушлиқдан кейин буғдой экиш учун темир молани олиб келиш мақсадида “Дауранбек Нурнияз” фермер хўжалиги экин майдонига боришган, ўша ерда [REDACTED] тракторга темир молани тақиб, трактор ҳайдовчиси А.Утегеновга “хайда” деб айтганидан сўнг трактор олдига қараб юриб бораётган вақтда, шу ерда юрган Б.Омирзаков темир моланинг остида қолиб кетиб, олган тан жароҳати оқибатида вафот этганлиги аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1996 йил 14 августда 272-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Меҳнат муҳофазаси бўйича ўқишларни ташкил қилиш ва билимларни синаш тўғрисида”ги Низомнинг 3-бандида барча ишчилар меҳнат муҳофазаси бўйича инструктаж ўтаганларидан кейингина ишга жалб қилиниши лозимлиги, 5-бандида ишчиларни хавфсиз иш услуби бўйича ўқитиш учун жавобгарлик корхона раҳбарига юклатилиши, 9-бандида ишчилар иш жойида белгиланган тартибда техника хавфсизлиги бўйича инструктаж ўташи лозимлиги ҳақида қоидалар белгиланган.

Апелляция суд мажлисида сўроқ қилинган [REDACTED] 2018 йил 16 сентябрь куни эрталаб марҳум Б.Омирзаковнинг уйига боргани, у билан ўзига тегишли бўлган фермер хўжалиги ҳудудида буғдой экишга қарашишни айтиб ҳақ эвазига келишгани, уни айби Б.Омирзаковни уйдан олиб кетгани, тушлик пайти Б.Омирзаковнинг А.Утегенов билан пиво ичганлигини кўрганлиги, воқеа “Д.Нурниязов” фермер хўжалиги ҳудудида содир бўлгани,

А.Утегенов бошқараётган трактор молани тортиб кетаётган вақтида ўша ерда юрган Б.Омирзаков темир молани остида қолиб кетгани, барчаси бир зумда беҳосдан содир бўлгани, Б.Омирзаков билан меҳнат шартномаси тузмагани ҳақида кўрсатма берди.

Апелляция суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчининг қонуний вакили [REDACTED] марҳум Б.Омирзаков турмуш ўртоғи ҳисобланишини, ҳақиқатдан 2018 йил 16 сентябрь куни эрталаб [REDACTED] уйига келиб, Б.Омирзаковни сўрагани, турмуш ўртоғи уйдан “ [REDACTED] ерида моласини босиб бераман” деб чиқиб кетгани, Б.Омирзаков билан содир бўлган бахтсиз ҳодиса ҳақида ўша куни соат тахминан 17:00 ларда эшитгани ҳақида кўрсатув берди.

Апелляция суд мажлисида мутахассис сифатида сўроқ қилинган Б.Нурумбетов ўзи Қорақалпоғистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигида давлат меҳнат техник инспектор лавозимида ишлашини, мазкур жиноят иши бўйича дастлабки тергов даврида текшириш ўтказганини, шунинг учун иш ҳолатларидан тўлиқ хабардор эканлигини, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 82-моддасида ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан ёки унинг ижозати билан ходимга ҳақиқатда ишлашга рухсат этилган бўлса, ишга қабул қилиш тегишли равишда расмийлаштирилган ёки расмийлаштирилмаганидан қатъи назар, иш бошланган кундан эътиборан меҳнат шартномаси тузилган деб ҳисобланиши кўрсатилганини, содир бўлган бахтсиз ҳодиса фермер хўжалиги раҳбари [REDACTED] айби билан юз берганини, чунки ўрнатилган тартибга кўра, ишчига ўз хизмат вазифаларини бажаришдан олдин техника хавфсизлиги қоидалари билан таништирилиб, тегишли ҳужжат расмийлаштирилиши кераклигини, бироқ марҳум Б.Омирзаков техника хавфсизлиги қоидалари билан таништирилмагани, [REDACTED] томонидан Меҳнат кодексининг 215-моддаси талаблари бузилгани ҳақида кўрсатув берди.

Шунингдек, апелляция суд мажлисида мутахассис сифатида сўроқ қилинган О.Ўринбоев ўзи Хоразм вилояти бандлик ва меҳнат муносабатлари бошқармаси давлат меҳнат ҳуқуқ инспектори лавозимида ишлашини, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 82-моддасида ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан ёки унинг ижозати билан ходимга ҳақиқатда ишлашга рухсат этилган бўлса, ишга қабул қилиш тегишли равишда расмийлаштирилган ёки расмийлаштирилмаганидан қатъи назар, иш бошланган кундан эътиборан меҳнат шартномаси тузилган деб ҳисобланиши кўрсатилгани, фермер хўжалиги раҳбари [REDACTED] ва фуқаро Б.Омирзаков ўртасидаги муносабат меҳнат қонунчилиги доирасида, яъни меҳнат шартномаси асосида тартибга солиниши лозимлигини, содир бўлган бахтсиз ҳодисада [REDACTED] жавобгар ҳисобланишини, чунки Б.Омирзаков техника хавфсизлиги қоидалари билан таништирилмагани, Б.Омирзаков иш жараёнида тан жароҳати олиб вафот этгани, аниқланган ҳолатни фуқаролик ҳуқуқий муносабат деб баҳолаб бўлмаслигини билдирди.

Апелляция суд мажлисида сўроқ қилинган А.Утегенов ўзи Кегейли туманидаги Машина-трактор паркида механизатор бўлиб ишлаб келганини, ўзига МТЗ-80 русумли трактор беркитилганини, 2018 йил 16 сентябрь куни эрталаб ўзига беркитилган тракторда [REDACTED] фермер хўжалигига борганини, экин майдонида ишларни бажариб, кейин тушлик қилишганини, тушлик пайти [REDACTED] мола олиб келишни айтганини, сўнгра тракторида “Д.Нурниязов” фермер хўжалиги даласига боришганини, далада турган молани [REDACTED] тракторига тақиб, “хайда” деганини, тракторини 3-4 метр хайдаганидан сўнг шовқин овози эшитилгани, кейин тракторини тўхтатганини, ўша вақтда [REDACTED] ва ўша ердаги Баходир исмли шахс темир моланинг остидан Б.Омирзаковни тортиб олишганини, шифкорлар келиб Б.Омирзаковга биринчи тиббий ёрдам кўрсатишганини, бироқ Б.Омирзаков вафот этганини билдириб кўрсатма берди.

Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг меҳнат инспекцияси томонидан апелляция инстанциясига тақдим қилинган 2020 йил 13 октябрдаги хулосада [REDACTED] раҳбарлик қилган фермер хўжалигида вақтинча ишлаган Б.Омирзаков ҳодиса туфайли йиқилиб, бош қисмидан тан жароҳати олиб вафот этганлиги ҳолати ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ҳодиса деб ҳисобланиши, марҳум Б.Омирзаков корхона манфаатларини кўзлаб иш юритганлиги ва иш вақтида вафот этганлиги кўрсатилган.

Апелляция судлов ҳайъати суд мажлисида аниқланган ҳолатларни инобатга олиб, хусусан Б.Нурумбетов ва О.Ўринбоевнинг мутахассис сифатида берган кўрсатувлари, Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг меҳнат инспекцияси томонидан апелляция инстанциясига тақдим қилинган хулоса, жабрланувчининг қонуний вакили [REDACTED] ва содир бўлган бахтсиз ҳодисани кўрган гувоҳларнинг кўрсатувлари ҳамда иш бўйича тўпланган бошқа далилларга асосланиб, А [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 257-моддаси 2-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир қилган деб ҳисоблайди.

Бундан ташқари, биринчи инстанция судининг 2019 йил 29 январдаги ажримининг ижроси юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ хузуридаги Тергов бошқармаси катта терговчиси капитан Г.Салиевнинг 2019 йил 14 майдаги қарори қабул қилинган бўлиб, ушбу қарорга асосан фуқаро А.Утегенов хатти-ҳаракатларида жиноят аломатлари аниқланмаганлиги сабабли жиноят иши кўзғатиш рад этилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 64-моддаси 1-қисмида ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб икки йил ўтган бўлса, шахс жавобгарликдан озод қилинади деб кўрсатилган.

Апелляция судлов ҳайъати [REDACTED] эҳтиётсизлик натижасида содир қилган ушбу жиноий ҳаракатлари 2018 йил 16 сентябрь куни тамом бўлганлиги ҳамда мазкур жиноят ижтимоий хавфлилик даражасига кўра ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифасига

киришлиги сабабли [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 463-моддаси 3-қисми 2-бандига асосан жазодан озод қилишни лозим топди.

Бинобарин апелляция судлов ҳайъати, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497-13, 497-15, 497-18-моддаларини қўллаб,

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Кегейли туман судининг 2019 йил 29 январдаги [REDACTED] оид ҳукми ўзгартирилсин.

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 257-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбли деб топилсин ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 463-моддаси 3-қисми 2-бандига асосан, жавобгарликка тортиш муддати ўтганлиги сабабли жазодан озод қилинсин.

Суд ҳукмининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Шикоят қисман қаноатлантирилсин.

Раислик этувчи

С.Тоганов

Ҳайъат судьялари

М.Махмудов

М.Самандаров